

FUNDAMENTAL TADQIQOTLAR JURNALI

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

ҚОДИРОВ Искандар Алишер ўғли

International School of Finance Technology and Science Менежмент

кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15173027>

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистонда акциядорлик жамиятлари фаолиятини ривожлантиришга инвестицияларни жалб этишни такомиллаштириш ҳамда инвестицияларни жалб этиш жадал суръатларда кенгайиб бораётган бир пайтда чет эл инвестицияларни жалб қилиш, молия бозорида замонавий молиявий инструментларни жорий қилиш, акциядорлик жамиятларининг инвестиция фаолиятини ривожлантириш йўллари такомиллаштириш, айрим молиявий воситаларнинг рискларни келтириб чиқариш даражасини минималлаштиришдаги мавжуд муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича муаллиф ёндашувлари ва таклифлари келтирилган.

Калит сўзлар: акциядорлик жамиятлари, инвестициялар, инвестиция фаолияти, молиялаштириш, фонд бозори, қимматли қоғозлар, инвестицион банклар, фонд биржаси, молия бозорлари, акциялар, облигациялар, депозит сертификатлари.

ПУТИ ПРИВЛЕЧЕНИЯ ИНВЕСТИЦИЙ В РАЗВИТИЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ АКЦИОНЕРНЫХ ОБЩЕСТВ

АННОТАЦИЯ

В данной статье представлены авторские подходы и предложения по улучшению вовлечения инвестиций в развитие акционерных обществ в Узбекистане и привлечению иностранных инвестиций в период, когда привлечение инвестиций стремительно расширяется, внедрению современных финансовых инструментов на финансовом рынке, совершенствованию способов развития инвестиционной деятельности совместных предприятий.-акционерные общества, минимизирующие уровень риска

Ключевые слова: акционерные общества, инвестиции, инвестиционная деятельность, финансирование, фондовый рынок, ценные бумаги, инвестиционные банки, Фондовая биржа, финансовые рынки, акции, облигации, депозитные сертификаты.

WAYS TO ATTRACT INVESTMENTS IN THE DEVELOPMENT OF JOINT- STOCK COMPANIES

ANNOTATION

This article discusses the author's ideas and suggestions for enhancing investment participation in the development of joint stock companies in Uzbekistan and attracting foreign capital at a time when investment attraction is expanding rapidly, introducing modern financial instruments into the financial market, and improving methods for developing investment activities of joint ventures. Joint stock companies that minimize risk levels are discussed.

Keywords: joint stock companies, investment, investment activity, finance, stock market, securities, investment banks, stock exchange, financial markets, shares, bonds, deposit certificates.

Кириш.

Иқтисодий трансформациялаш жараёнида, ислохотларни чуқурлаштириш, янги ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондларни яратиш, амалда фаолият юритаётган техника ва технологияларни янгилаш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш инвестиция жараёнларни нечоғли тўғри ва самарали амалга оширишга боғлиқдир.

Шу боисдан ҳам, Ўзбекистон Республикаси давлат раҳбари ва ҳукумати томонидан иқтисодий модернизациялашни изчиллик билан амалга оширишда инвестиция сиёсатини тўғри ва аниқ мақсадларни кўзлаган ҳолда олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун марказлашган, марказлашмаган жамғармалар маблағлари, хорижий инвестициялар ва кредитларни ўзлаштиришга ҳамда улардан самарали фойдаланиш масалаларига урғу берилмоқда.

Хусусан, иқтисодийнинг турли соҳа ва тармоқларини мутаносиб ривожланишини таъминлаш, минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини инобатга олиш, шунингдек, жойларда аҳоли бандлигини ошириш мақсадида ҳар йили мамлакатимизда инвестиция дастури ва минтақавий инвестиция дастурлари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда.

Мазкур йўналишда олиб бориладиган тадқиқотларнинг асосий мақсади ҳозирги шароитда акциядорлик жамиятларининг инвестицион жозибдорлигига замин яратувчи шарт-шароит ва омилларни аниқлаш, шунингдек, минтақавий ва маҳаллий миқёсда акциядорлик жамиятларининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг энг муҳим аҳамиятга эга йўналишларидан бири сифатида кичик ва йирик корхоналар ўртасидаги инвестицион ҳамкорликнинг амалий имкониятларини аниқлашдан иборат.

Бирок, ҳозирги кунда миллий минтақавий тизим ва ҳудудий ҳамжиҳатлик механизмнинг ташкилий-иқтисодий асосига, минтақавий акциядорлик жамиятларининг фаолияти такомиллашувида инвестициявий жозибдорликнинг ўрни ва унинг мамлакат иқтисодиёти ўсиш суръатларига бевосита таъсири билан боғлиқ ўзига хос хусусиятлари алоҳида тадқиқот сифатида ўрганилмаган. Мазкур мақолада эса, айнан ушбу соҳадаги назарий-услубий кемтикларга барҳам беришни назарда тутди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Инвестициялар ҳар қандай мамлакат иқтисодиёти ўсишини таъминлаш, уни ҳар томонлама тараққий эттиришнинг зарур шarti ва манбаи ҳисобланади. Шунга кўра, республикаимизда самарали инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни изчил амалга ошириш давлатнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Бу эса, иқтисодий инвестиция ҳажми йилдан-йилга сезиларли даражада ўсиб боришига ва миллий ишлаб чиқариш ҳажми ортиши орқали ижобий натижалар беришига имкон яратмоқда.

Инвестиция лотинча - *investiera*, инглизча - *invest, investition* сўзидан олинган бўлиб, нимагадир қўйиш, жойлаштириш, сафарбар этиш, йўнал-тириш, ишлаб чиқариш соҳасига, корхонага, тадбиркорлик субъектларига ва иқтисодийнинг барча тармоқларига сафарбар этилган қийматларни аниқ муддатга ва мақсадларга банд қилиш маъноларини билдиради. Бу жараёнга асосланган фаолият мавжуд қонунлар, давлат дастурлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар орқали мувофиқлаштириб борилади.

Иқтисодий адабиётларда - инвестиция тушунчаси турлича талқин қилинмоқда. Одатда, инвестиция деганда, келгусида ўстирилган қийматни олишни мўлжаллаб, жорий даврда иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш тушунилар эди.

Иқтисодий луғатда инвестициялар капитални узоқ муддатли қўйилмалар тарихида саноатга, қишлоқ хўжалигига, транспортга ва бошқа тармоқларга сарф этиладиган харажатлар йиғиндисини акс эттиради, - деб таърифланган [1].

Инвестиция атамаси, одатда, ҳам фаолиятни, ҳам шу фаолиятнинг натижасини, яъни ҳам инвестициялашни, ҳам инвестиция қилинаётган неъматларни англатади (масалан, инвестицияни амалга ошириш ва инвестициялар ҳажми). Бундан инвестициялаш тушунчаси ҳам пайдо бўлмоқда. П.Массе бу тушунчани муайян эҳтиёжларни бугуннинг ўзида қондиришни инвестиция қилинган неъматлар ёрдамида келгусида қаноатлантиришни кутишга алмаштиришдан иборат фаолиятдир, деб таърифлайди. [2]

МДХ олимлари иқтисодий ривожланишнинг замонавий назариясини яратишда унинг инвестициявий таркибини тадқиқ қилар экан, инвестициявий ресурсларнинг турли манбаларини рационал бирлаштириш асосида инвестициявий фаолиятни давлат томонидан бошқариш зарурияти ўсиб боришини кўрсатиб ўтади [3, 4, 5, 6].

Академик Л.И.Абалкин таъкидлайдики, ҳозирги марказий вазифа тенденцияни бузиш, тушиб кетишни тўхтатиш, ўсишни ва инвестиция жараёнини бошлашдир. Иқтисодиётни инқироздан олиб чиқиш учун инвестициянинг аҳамиятини таъкидлар экан, у шундай ёзади: истеъмол сектори инвестициясиз барқарор ўса олмайди. Барқарор иқтисодий ўсиш тўғрисида гапиришдан аввал, ишлаб чиқариш тушиб кетишини тўхтатишга эришиш лозим. У узлуксиз давом этиши мумкин эмас. Фақатгина мазкур тушиб кетишни тўхтатиш ва ишлаб чиқаришнинг тармоқ тузилмаларида тўпланган деформацияларни тўғрилашни, ишлаб чиқариш асосий воситалари бузилишига (инвестициясиз улар эскиради, путурдан кетади, ҳалокат ва йирик нохушликларни келтириб чиқаради) қарши курашишга киришиш билан барқарор ўсиш йўлида ҳаракатни бошлаш мумкин [7].

Инвестицияларга берилган таърифлар таҳлилида инвестицияларни ички ва ташқи инвестицияларга ажратиш зарурлиги асосланади. Фикримизча, бу, инвестициялар моҳиятининг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Бунинг боиси шундаки, ички ва ташқи инвестицияларни амалга ошириш жараёнлари ўртасида сезиларли фарқлар мавжуд. Масалан, ташқи инвестицияларни амалга оширишда валюталарни конвертирлаш, инвестициядан олинган даромадни репатриация қилиш муаммолари вужудга келиб, мазкур муаммолар инвестициянинг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигига салбий таъсир этади.

Ўзбекистон Республикасининг инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонунида инвестицияга инвестициялар-иқтисодий ва бошқа фаолият объект-ларига киритилган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқ-лардир ва инвестиция фаолияти инвестиция фаолияти субъектларининг инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлари мажмуи, деб таъриф берилган [8].

Ушбу қонунда берилган иқтисодий таъриф нисбатан содда шаклда бўлиб, инвестицияларнинг тўлиқ моҳиятини очиш учун уни мақсадли тарзда кенгайтириш ўринлидир.

Фикримизча, ушбу таърифларда инвестициялар моҳиятини ёритишда маълум чалкашликлар мавжуд. Масалан, у инвестицияларга оид таърифларда инвестицион қўйилмалар, инвестицион ресурслар ва инвестиция объектлари тушунчалари қўшилиб кетган. Мақсадли банк омонатлари эса инвестицион харажатларни молиялаштиришга йўналтирилган тақдирдагина инвестиция мақомига эга бўлади. Айрим талқинларда эса, инвестициялар келгусида даромад олиш мақсадида қилинган қўйилмалар сифатида эътироф этилган. Фикримизча, муаллифларнинг фикрлари моҳиятан тўғри, бу инвестициялар тушунчасининг намоён бўлиш шаклларида бири ҳисобланади. Уларнинг таърифларида, шунингдек, инвестиция моҳиятининг бошқа намоён бўлиш шакллари, шу жумладан, ижтимоий самара олиш мақсадида қўлланилиши ва иқтисодий рискларга мунтазам дуч келиши ўз аксини топмаган.

Тадқиқот методологияси.

Ушбу мақолани тайёрлашда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, фойдаланилган адабиётлар ва интернет маълумотлари расмийлиги, ундаги иқтисодчи олимларнинг мавзуга оид илмий-назарий қарашларининг қиёсий ва танқидий таҳлил қилинган.

Мавзуни ўрганиш давомида умумиқтисодий усуллар билан бир қаторда тизимли таҳлил, умумлаштириш, абстракт-мантикий фикрлаш, статистик усулларидадан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар.

Ҳозирги кунда акциядорлик жамиятлари ягона тадбиркорлик муҳити доирасидаги интеграцион жараёнларга фаол қўшилиши ва уларга киритиладиган инвестициялар ҳажмини ошириш бир-бирига чамбарчас боғлиқ вазифалардир. Аммо, бу жиҳат бутун республика миқёсида тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасидаги давлат сиёсатида ҳар доим ҳам ўз ифодасини топмаяпти.

Миллий тараққиётнинг мантикий босқичи – мамлакатимизни жадал ислоҳ этиш ва модернизация қилиш даври изчил давом этмоқда. Ўзбекистон жаҳон харитасидан мустақил давлат сифатида жой олгандан кейинги тарихан қисқа давр ичида демократик жамият ҳамда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган эркин иқтисодиётни шакллантириш йўлида муҳим ишлар амалга оширилди ва салмоқли натижалар қўлга киритилди. Бунда мамлакатимиз раҳбари томонидан ривожланиш стратегияси пухта ишлаб чиқилганлиги, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар мақсади ва вазифалари, амалга ошириш йўллари аниқ ва тўғри кўрсатиб берилганлиги бош мақсад йўлидаги ютуқлар салмоқли ва марралар юксак бўлишига имкон яратди.

Республикада охириги йилларда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури изчил амалга оширилиши натижасида иқтисодий ўсишнинг юқори, барқарор ва мувозанатлашган суъратлари ҳамда макроиқтисодий барқарорлик тенденциялари мустаҳкамланиб, аҳоли турмуш даражаси юксалиб бормоқда.

1-жадвал

Мамлакатимизда асосий капиталга киритилган инвестициялар миқдори¹, млрд. сўмда

Худудлар	Йиллар					2023 йилда 2019 йилга нисбатан ўзгариши (+,-)
	2019	2020	2021	2022	2023	
Ўзбекистон Республикаси	195927,3	210195,1	239552,6	266240	356071,4	160144,1
Қорақалпоғистон Республикаси	8750,6	7089,8	8110,7	10254	12959,2	4208,6
Андижон вилояти	7452,1	9622,6	11176,6	14339,8	18639,1	11187
Бухоро вилояти	10366,6	12183,9	20528,3	21638,3	31030,5	20663,9
Жиззах вилояти	7900,9	12545,4	9233,6	10373,9	14970,9	7070
Қашқадарё вилояти	24462,5	20557,6	17359,1	16012,8	21138	-3324,5
Навоий вилояти	17646,3	15688,4	15020,1	17958,1	26398,6	8752,3
Самарқанд вилояти	10266,7	14656,4	15641,6	18917,1	25717,1	15450,4
Сурхондарё вилояти	11835,1	10068,2	12037,8	11569,4	18307,7	6472,6
Сирдарё вилояти	5869,1	7191,9	8051,8	12354,6	15871,8	10002,7
Тошкент вилояти	20353,9	21148,6	28113,6	35767,7	47709,3	27355,4
Фарғона вилояти	8685,4	11040	12625,2	15419,3	19955	11269,6
Хоразм вилояти	5032	5391,8	8292	8769,7	11666,1	6634,1
Тошкент шаҳри	42458,1	50371,4	58172,7	56847,9	71143,7	28685,6

¹ Муаллиф ишланмаси

Юқорида келтирилган жадмал маълумотларига кўра, йиллар кесими бўйича ҳудудларга (вилоятлар) йўналтирилган инвестицияларнинг тақсимооти нотекис бўлган. 2019 йилда ҳудудлар иқтисодиётига йўналтирилган инвестицияларнинг қиймати ва уларнинг улушига эътибор қаратадиган бўлсак, ўртача республика кўрсаткичидан Тошкент шаҳри, Қашқадарё, Тошкент ва Тошкент вилоятларининг улуши юқори бўлгани ҳолда, қолган барча ҳудудларнинг улуши ўртачадан паст бўлган. Энг паст кўрсаткич Хоразм вилоятига тўғри келади.

Миллий иқтисодиётимизни трансформация қилиш бўйича амалга оширилган чоратadbирлар, қабул қилинган миллий дастурлар туфайли 2023 йилда Тошкент шаҳрининг умумреспублика кўрсаткичидаги улуши 6 фоизлик пунктга кўтарилган бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Фарғона вилоятларида пасайиш кузатилган (1-жадвал). Қашқадарё вилоятида эса 3324,5 млрд. сўмга камайган. Республикамиз бўйича умумий инвестициялар 2023 йилда 2019 йилга нисбатан 160144,1 млрд. сўмга ошганлиги сўнгги йилларда мамлакатимизда инвестиция жозибadorлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганлигидан далолат беради.

2-жадвал

Инвестиция жозибadorлигининг ошишига таъсир қилувчи кўрсаткичлар таҳлили²

Кўрсаткичлар	Йиллар					2023 йилда 2019 йилга нисбатан ўзгариши (+,-)
	2019	2020	2021	2022	2023	
Ялпи ички маҳсулот	114,4	111,9	110,6	111,8	108	-6,4
Инфляция даражаси	13	14,3	11,6	9,8	12,2	-0,8
Асосий капиталга инвестициялар	138,1	95,6	102,9	100,2	123,4	-14,7
Асосий капиталга киритилган инвестициялар ва қурилиш ишлари бўйича нархлар индекси йиллик динамикаси	119	109,1	112,4	110,3	108,1	-10,9
Асосий капиталга инвестицияларда банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари улуши	13,8	7,6	8	6,6	3,8	-10
Кўрсатилган алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ҳажми, млрд. сўмда	10891,7	13852,3	17755,1	24508,1	35261,9	24370,2

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўринадики, таҳлил қилинаётган даврлар мобайнида Ялпи ички маҳсулот 2023-йилда ҳажми 2019-йилга нисбатан 6,4 фоизга, асосий капиталга инвестициялар 14,7 фоизга, асосий капиталга киритилган инвестициялар ва қурилиш ишлари бўйича нархлар индекси йиллик динамикаси 10,9 фоизга камайган. Инфляция даражаси эса 0,8 фоизга камайган ижобий ҳолат ҳисобланса кўрсатилган алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ҳажми, 24370,2 млрд. сўмга ошганлиги ҳам ижобий ҳолатдан далолат беради.

Таҳлил маълумотларидан кўринадики, мамлакатимизда инвестиция жозибadorлигини оширишга таъсир қилувчи омилларни янада ривожлантириш зарурдир. Яъни, қимматли қоғозлар бозорига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш инвесторлар ва таҳлилчиларга инвестициялар билан боғлиқ хавфларни баҳолаш имконини беради. Бу онгли қарорлар қабул қилиш ва йўқотишларни минималлаштириш учун муҳимдир.

² Муаллиф ишланмаси

Акциядорлик жамиятларининг халқаро облигацияларини жойлаштириш бўйича андеррайтерлар гуруҳи³

Эмитент	Облигация тури	Андеррайтерлар гуруҳи
“O‘zsanoatqurilishbank” АТБ	Еврооблигация	JP Morgan, Citigroup, Commerzbank, Raiffeisen Bank
“O‘zmilliybank” АЖ	Еврооблигация	Citibank, Natixis, SMBC Nikko, Gazprombank
“Ipotekabank” АЖ	Еврооблигация	J.P. Morgan, Raiffeisen Bank International AG, MUFG, Societe Gencralc
“Ipotekabank” АТИБ	Халқаро облигация, сўмда	J.P.Morgan Chase
“O‘zAvtoMotors” АЖ	Еврооблигация	Citigroup, MUFG, Natixis. Raiffeisen Bank International
“O‘zbekneftgaz” АЖ	Еврооблигация	Bank GPB International, Citigroup Global Markets, J.P. Morgan Securities i Mitsubishi UFG Securities EMEA

Қайд этиш керакки, миллий корпоратив эмитентлар халқаро молия бозоридаги амалиёти давомида J.P.Morgan Chase ва Citigroup Global Markets андеррайтерлар гуруҳида энг кўп иштирок этишган. Бундай бренд андеррайтерларнинг танланиши гарчии нисбатан қиммат бўлсада, юқорида таъкидлаганимиздек глобал инвесторлар учун бу ўзига хос реклама вазифасини ўтаб беради.

“Еврооблигацияларнинг дебют эмиссияси Ўзмилийбанк томонидан Citibank (АҚШ), Natixis (Франция), SMBC Nikko (Япония) ва Газпромбанк (Россия) каби халқаро миқёсда тан олинган андеррайтинг банклари билан биргаликда амалга оширилди. Бундан кўришимиз мумкинки, Ўзмилийбанк АЖ еврооблигациялар жойлаштириганда тўртта давлат молия институти андеррайтерлар гуруҳини ташкил этган. Бу жиҳат ўз-ўзидан андеррайтерлик харажатларининг ортишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларига кўра тижорат банки акцияларини фонд биржасида бирламчи оммавий жойлаштириш акциялар учун дастлабки нарх чегараларини андеррайтерлар томонидан аниқлаш акцияларини сотиб олиш бўйича аризаларни йиғиш учун нарх чегараларини аниқлаш ва қўшимча акцияларни жойлаштириш нархини бошқарув органи билан келишиш имкониятини беради. Умуман олганда, корпоратив эмитентларнинг юқоридагиларга ўтибор қаратган олда халқаро облигацияларини юқори инвестицион жозибадорликда паст фоизларда жойлаштири олиши уларнинг истиқболда аксияларини глобал оммавий жойлаштиришларига ҳам замин бўлиб хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, акциядорлик жамиятлари фаолиятини ривожлантиришга инвестицияларни жалб қилиш уларнинг ўсиши ва муваффақиятли ишлаши учун асосий омил ҳисобланади. Рақобат доимий равишда кучайиб бораётган динамик иқтисодиёт шароитида акциядорлик жамиятлари ўз лойиҳаларини молиялаштириш ва бизнесни кенгайтиришнинг янги усулларини излашлари керак.

³ Муаллиф ишланмаси

Акциядорлик жамиятлари фонд бозорида янги акцияларни жойлаштириш орқали маблағ тўплаши мумкин. Бу нафақат капитал олиш, балки ликвидликни ошириш ҳамда облигацияларни чиқариш мавжуд акциядорларнинг улушини пасайтирмасдан инвесторлардан узоқ муддатли молиялаштиришга имкон беради.

Венчур капитал компаниялари инновацион лойиҳалар ва стартаплар учун молиялаштириш манбаи бўлиши мумкин. Улар бизнесдаги улуш эвазига хавфли корхоналарга сармоя киритишга тайёр. Кўпгина давлат идоралари акциядорлик жамиятларини қўллаб-қувватлаш дастурларини, шу жумладан субсидиялар, солиқ имтиёзлари ва грантларни таклиф қилишади.

Бошқа компаниялар билан ҳамкорлик қилиш қўшма лойиҳалар ёки қўшма корхоналар орқали инвестицияларни жалб қилишга олиб келиши мумкин. Шаффофлик ва бошқарув самарадорлиги инвесторларни жалб қилади, чунки улар компаниянинг барқарор ривожланиш истиқболларини кўришади.

Самарали маркетинг стратегияси потенциал инвесторларнинг компанияга бўлган қизиқишини ошириши мумкин, айниқса у даромаднинг ўсиши ва муваффақиятли лойиҳаларни намойиш этади. Шунингдек, инвесторлар ҳар доим инвестиция қилишдан олдин хатарларни баҳолайдилар; шунинг учун акциядорлик жамиятлари ушбу хатарларни минималлаштириш бўйича аниқ режага ега бўлиши керак.

Инвестицияларни жалб қилиш кўп қиррали жараён бўлиб, комплекс ёндашув ва стратегик режалаштиришни талаб қилади. Маблағларни муваффақиятли жалб қилиш акциядорлик жамиятларининг бозордаги мавқеини мустаҳкамлашга ёрдам беради, янги лойиҳаларни амалга оширишга имкон беради ва бизнеснинг узоқ муддатли ривожланишини таъминлайди. Акциядорлик жамиятларининг фонд бозоридаги самарадорлигини ошириш бугунги кунда яхлит ва стратегик ёндашувларни талаб этмоқда. Акциядорлик жамиятларида устав капиталини кўпайтиришнинг муайян ёндашувлари иқтисодий самарадорликка қай даражада таъсир қилишини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

REFERENCES. ИҚТИБОСЛАР. СНОСКИ.

1. Финансово-кредитный словарь. Т. – М.: «Финансы и статистика», 1984. - С. 470.
2. Виленский П.Л., Лившиц В.Н., Смоляк С.А. Оценка эффективности инвестиционных проектов. – М.: Издательство —ДЕЛЮ. -2002. С.22.
3. Ивасенко А.Г. Иностранные инвестиции: учебное пособие / А.Г. Ивасенко, Я.И. Никонова. – М.: КНОРУС, 2010. – 272 с.
4. Николаев М.А. Инвестиционная деятельность: учеб. пособие / М.А. Николаев. - Финансы и статистика; ИНФРА-М.- 336 с.
5. Кожухур В.М. Практикум по иностранным инвестициям. – 2-е изд. – М.: Издательско – торговая корпорация «Дашков и К», 2009. – 256 с.
6. Браун К. Маленькая книжка, которая научит вас инвестировать / К. Браун; пер. с англ. П.А. Самсонов. – Минск: «Попурри», 2009. – 240 с.;
7. Абалкин Л.И. Логика экономического роста. -М.: Институт экономики РАН, 2002. С. 228.
8. Инвестиция фаолияти тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунининг янги таҳрири –Т.: -Адолат, 2019. 13 б.